

THE CURRENT STATE OF LITERATURE TEXTBOOKS

Asilbek Abduraimov,
Master of SamSU.

Prof. Kazakboy Yoldoshev
Scientific adviser

Annotation:

This article shows the existing problems in literature education and their solutions, one of the most important links in the development, the solution of some shortcomings in literature textbooks.

Keywords: textbook, literature, creative, question-assignment, poetry, poet, writer.

Дарслик яратиш масъулиятли ва мураккаб вазифа. Уни яратишда олимона фикрлар билан бирга педагогик маҳорат, методист қараш и ҳам жуда-жуда зарур. Узлуксиз таълим тизими учун яратилган дарсликлар бири-иккинчисини такрорламаслиги, аксинча мазмунан тўлдириши, ўқувчи билимини босқичма-босқич юксалтиришга хизмат қилиши лозим. Шу нуқтаи назардан умумий ўрта таълим мактаблари учун яратилган **“Адабиёт” дарсликларини таҳлил қилишда давом этсак...**

Айрим дарсликлар аввалида Ўзбекистон Республикасининг давлат мадҳияси берилиши одатий тусга кирган. 5 синф “Адабиёт” дарслигида мадҳия берилмагани ҳолда 6 синф дарслигида мавжуд. 7-8-9 синф дарсликларидан эса берилмаган. Бизнингча, давлат мадҳияси ёки ҳар бир синф дарслигида берилиши керак ёки фақат 5 синфда бериш билан кифояланиш керак.

5 синф “Адабиёт” дарслигига киритилган ёзувчи ёки шоир ижоди 6 синфда давом эттирилса, аввалги синфда берилган маълумотлар тўлдирилиши, бойитилиши лозим. Афсуски, 6 синф дарслигидаги айрим ижодкорларнинг таржимаи ҳоли айнан такрорланган ёки янги маълумотлар билан бойитилмаган. Ҳатто айрим ўринларда салмоқли ҳажмдаги матнлар, адиб ҳаёти ва ижоди юзасидан берилган савол-топшириқлар ҳам ҳеч бир ўзгаришсиз кейинги синф дарслигига кўчиб ўтган. **Буни Муқимий, Эркин Воҳидов, Ўткир Ҳошимов таржимаи ҳоли мисолида кузатиш мумкин.** Фикримизнинг исботи учун мисоллар келтирамиз:

“Муҳаммад Аминхўжа Мирзахўжа ўғли Муқимий 1850 йилда Қўқон шаҳрида Беквачча маҳалласида новвой оиласида туғилган. Муқимий дастлаб ўз маҳалласида мулла Абдуҳалил мактабида таҳсил олади. Шоирнинг илм ўрганиши ва бадиий ижодга эрта қизиқишида унинг волидаси, қобилиятли аёл Ойшабиби айтиб берган кўплаб эртак ва кўшиқларнинг таъсири кучли бўлган. Муқимий дастлаб Қўқондаги “Ҳоким ойм” мадрасасида таълим олади. 1872-1873 йилларда Бухорога бориб, у ердаги “Меҳтар анбар” мадрасасида ўқишни давом эттиради. 1876 йилда ўқишни тамомлаб, Қўқонга қайтади. Уйланади. Шоир дастлаб ер қурилиши маҳкамасида мирзалик, сўнгра Сирдарё ёқасида жойлашган Оқжардаги паромда паттачилик қилади...”

Шу тарзда салкам бир ярим саҳифалик 5 синфда берилган маълумотни ўқувчи 6 синфда такрор ўқишга мажбур бўлади.

Худди шу ҳолатни Эркин Воҳидов ҳаёти ва ижодига оид материаллар мисолида ҳам кўриш мумкин: **“Эркин Воҳидов университетни тугатгач, узоқ йиллар нашриётларда ишлади, ўзбек ва жаҳон адабиётининг сара асарларини чоп қилишда фаол**



иштирок этди. 1964 йилда яратилган “Нидо” достонидан сўнг бирин-кетин “Орзу чашмаси”, “Палаткада ёзилган достон”, “Қуёш маскани”, “Руҳлар исёни” каби ажойиб достонлар ёзди...”. Бир саҳифадан ортиқроқ ҳажмдаги ушбу маълумотлар ҳам 5 синф дарслигида ўз аксини топган.

Боз устига, шоир таржимаи ҳолидан сўнг берилган “Эркин Воҳидовнинг болалиги ҳақида нималарни биласиз? Шоирнинг қандай тўпламлари чоп этилган? Шоир шеърятдан бошқа яна қандай жанрларда қалам тебратган?” тарзидаги саволлар ҳам иккала синфда айнан такрорланган.

Аввало, адабиёт дарсликлари ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари ва руҳий дунёсига мос бўлмоғи керак. Шунини инобатга оладиган бўлсак, 5-6 синф ўқувчилари ҳали турли ўйинларга қизиқадиган, ҳар хил саргузаштларга бой эртақ ва ривоятларни эшитишни хуш кўрадиган, мультфильмларни томоша қилиб чарчамайдиган ёшда бўлади. Мақолани ёзиш жараёнида чет эл адабиёт дарсликларини ўрганиб чиқдик. Масалан, 5-6 синф рус боласи А.Дюма, Ж.Верн, М.Твен, Э.Сетон-Томпсон, А.Гофман, Л.Толстой, А.Пушкин каби адибларнинг болаларбоп саргузашт асарларини ўқийди. Ўзимиздаги адабиёт дарсликларига ҳам ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини инобатга олиб, эртақ ва афсоналар, болалар ёзувчилари томонидан яратилган саргузашт асарлар киритилиши мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Адабиёт дарсликларида берилган ижодкорларнинг таржимаи ҳоли ҳақидаги маълумотлар хусусида тўхталиб ўтсак. Айрим шоир-ёзувчиларнинг ҳаёт йўли баёнида фақат маълумотбозлик бўй кўрсатади. Ижодкор ҳаёти ва ижодига оид матнларда саналар, жой ҳамда асарлар номи кўплигидан, нафақат ўқувчи, ҳатто ўқитувчи ҳам шошиб қолади ва доим энсаси қотади. Масалан, 6 синфда Туроб Тўла, 7 синфда Мирмуҳсин ва Ўлмас Умарбеков, 9-синфда Фурқат каби ижодкорлар ҳаёти ҳақидаги маълумотлар шу қадар кўп ва қуруқ ҳолатда берилганки, бу ўқувчини толиқтириши, чалғитиши табиий, албатта.

Қўйидаги иқтибосга эътибор беринг: **“...ёшлар газетасида адабий ходим, Ўзбекистон Давлат радиоэшиттириш қўмитасида муҳаррир ва суҳандон, Ўзбекистон Давлат нашриёти (Ўздавнашр) муҳаррири, “Ўзбекфильм” киностудиясида сценарий бўлими мудири, Республика Киночилар уюшмасида котиб, Маданият вазирлиги санъат ишлари бошқармаси бошлиғи, Ҳамза номидаги театр директори, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузуридаги Адабиётни тарғиб этиш маркази раҳбари”** Бу – шоир Туроб Тўланинг таржимаи ҳолидан парча. Ўқувчига ижодкорнинг қайси мансабда ишлагани эмас, қандай асар ёзгани, унинг мазмун-моҳияти аҳамиятли (аслида, бу ёшдаги бола бу лавозимларнинг фарқига бормайди ҳам).

Ҳозирги ўқувчилардан ҳазрат Навоийнинг қайси ғазалларини биласиз, деб сўрасангиз, “Кеча келгумдир дебон...”, “Кўргали ҳуснунгни зору...” каби ғазаллари, “Гурбатда ғариб...”, “Зоҳид санга хуру...” сингари рубоийларинигина айтишади, холос. Афсуски, бунинг асосий сабаби бир неча йилдан бери ўзгармасдан, шунда ҳам фақат 8 синф дарслигидагина бериб келинаётган “дежурний” шеърлар. Аслида, дарсликларда Алишер Навоий ижодидан намуналарнинг берилиш тизими ҳам мунозарали ҳолда.

Эътибор беринг: 5 ва 6 синфларда ҳазратнинг “Ҳайрат ул-аброр” ва “Маҳбуб ул-қулуб” асарлари, 7 синфда “Сабъаи сайёр” достонидан парчалар, 8 синфда бир туркум ғазал ҳамда қитъалари, 9 синфда эса “Фарҳод ва Ширин” достонидан парчалар берилган. Наҳотки, бутун бир ёш авлод фақат 8 синфда акаси, опаси, амакиси, холаси ёдлаган ғазалларни ёдлаши керак!? Ахир, ҳазрат Навоийнинг ўзбек тилида ёзилган 2600 дан ортиқ ғазали бор-ку!

Адабиёт дарсликлариди Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўргатишда 5-6 синфларда мураккаблик мавжуд. Мавзулар ўзлаштирилишида ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари инобатга олинмаган. Шунга кўра, 5 синфда Алишер Навоийнинг рубоий ва туюқлари ўргатилса, 6 синфда эса «Ҳайрат ул-аброр» достонидан ибратли ҳикоятлар тавсия этилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

8 синф адабиёт дарлигида Лутфий, Алишер Навоий ғазаллари берилган, ғазаллар таҳлилида унинг аруздаги афоилини ўқувчи тушунмай туриб ёдлайди ва тезда унутлади. Мумтоз шоирларимиз ижодини ўрганишдан олдин аруз вазни ҳақида назарий маълумотлар берилиши ўқувчиларда ғазал ва бошқа мумтоз адабиёт жанрлари оҳанги ва ритми ҳақида тасаввур ҳосил қилишда кўмаклашиши шубҳасиз.

Бошқа фанлардан дарс берадиган ўқитувчилар билан суҳбатлашганимизда ҳам ҳар бири ўз фани юзасидан турли таклиф ва мулоҳазаларни билдирди. Аммо фанда, илмда бир тўхташга келиш пайти келмадимми? Яна қачонгача синов дарсликлар тартиб берилаверади, чоп этилаверади? Ахир, ҳар икки ёки тўрт йилда китоблар янгиланаверса, бунга миллионлаб маблағ сарфланади. Яна айни шу йиллар оралиғида муаллифлар ўртасида танловлар эълон қилиниб, миллионлаб пуллар уларни рағбатлантириш учун ажратилади...

Биз мазкур мақолада кимнидур ёки ниманидур танқид қилиш ёки нишонга олишни эмас, балки тараққиётнинг энг муҳим ҳалқаларидан бири бўлган адабиёт таълимида мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимларини кўрсатишни мақсад қилдик. Қайд этилган фикрлар айни дамда миллий ўқув дастурини такомиллаштириш жараёнлари учун муҳим ва аҳамиятли бўлади, деган умиддамиз.